“Паркент универсал савдо комплекси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг йиғилиши

Б А Ё Н И

2024 йил 25 январ **Тошкент шахри**

Кузатув кенгаши аъзолари:
К.Расулов, Р.Арифов, М.Каримов, С.Каримов, Т.Иброхимов, А.Артиков, И.Абдурахмонова, Р.Тошходжаев

Таклиф этилганлар:
Р.Факиров Жамият директори в.в.б.
С.Икромов

Мажлисга К.Расулов раислик қилди. К.Расулов сўзга чиқиб, йиғилишни очиқ деб эълон қилди ва кун тартибига киритилган масалалар билан таништирди.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

“Паркент универсал савдо комплекси” АЖ директори вазифасини вақтинча бажарувчи Р.Факировнинг аризасини кўриб чиқиш.

Мажлис раиси мажлисни очиқ деб эълон қилиб, кун тартибидаги масала билан мажлис иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибида киритилган масала бўйича мажлис раиси К.Расулов сўзга чиқиб, жамият директори Б.Турсунходжаев 2023 йил 3 октябрдан лавозимидан озод этилганлиги муносабати билан 2023 йил 4 октябрдан жамият директорининг ўринбосари Р.Факировга жамият директори вазифасини бажариш юклатилганлиги, Р.Факиров 2024 йил 25 январдан ўз хохишига кўра лавозимидан озод этишни сўраб ариза ёзганлигини билдирди ва кенгаш аъзоларидан фикр билдиришларини сўради.

Кенгаш аъзолари Р.Факировнинг аризаси билан танишиб, эътироз йўқлигини айтишди.

Мажлис раиси жамият ишини белгиланган тартибда давом эттириш учун жамият директорлигига таклиф этилган, бугунги кунда “Аския деҳқон бозори” АЖ директори ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Икромов Санат Эгамбердиевични меҳнат фаолияти билан йитғилиш қатнашчиларини таништирди.

Йиғилиш қатнашчилари С.Икромовнинг меҳнат фаолияти билан танишиб, уни 2024 йил 26 январдан жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинланишига эътироз йўқлигини айтишди.

Кун тартибида муҳокама этилган масала юзасидан

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

1. Жамият директори вазифасини вақтинча бажарувчи Р.Факиров 2024 йил 25 январдан ўз аризасига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.

2. Икромов Санат Эгамбердиевич 2024 йил 26 январдан жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

3. С.Икромов билан амалдаги қонунчилик доирасида меҳнат шартномаси имзолансин ҳамда унинг ойлик маоши жамиятнинг штат жадвалига мувофиқ белгилансин.

4. С.Икромовга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- жамият фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорига асосан юритиш;
- Жамиятда даромадларни ошириш ва харажатларни қисқартириш чораларини кўриш;
- жамият ишини белгиланган тартибда ташкил этиш.

Йиғилиш раиси **К.Расулов**

Аъзолар:

Р.Арифов **М.Р.Каримов**

Т.Иброхимов **А.Артиков**

С.Каримов **И.Абдурахмонова**

Р.Тошходжаев

Баённи олиб борди: **И.Урунбоев**